

## ВАТАН ТҮЙГУСИ

**Солиев Абдусалом**

*Фаргона давлат университети*

*Ўқитувчи*

**Аннотация:** Киишилик жамияти ривожланишининг илк даврларидан бошлаб шахс ва жамият муносабатлари масаласида баркамол авлодни шаклланиши билан узвий боғлиқ масалалар ҳамма вақт илгор фикр эгаларининг диққат марказида бўлиб келган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб келажагимиз бўлган ёшларга эътибор кучайтирилди. Юртимида амалга оширилган кенг қамровли ишлар келажагимиз эгаларини Ватанга, миллий истиқбол гояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Калит сўзлар:** Ватан, жамият, фуқаро, ҳуқуқ, маънавият.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, муболағасиз айтиш мумкинки, гуллаб яшнаган, кучли демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш, саховатли заминимизда яшаётган одамларнинг баҳти ва фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлган, узоқни кўзлаган мақсадимизнинг моҳияти, асосига айланди.

Ёшлар сиёсати жамиятдаги туб ўзгаришлар ва қайта қуриш жараёнлари билан боғлиқ равишда ривожланди. Мустақилликнинг илк йилларида ёшларга оид давлат сиёсати ижтимоий муҳтож қатламларни ҳимоялаш, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётда бозор муносабатларини жорий қилиш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилди, кейинги босқичда ёшларга жамиятни модернизация қилишда мамлакат кадрлар заҳирасини шакллантирувчи куч сифатида қаралди.

Бугунги кунда мустақил давлатимизнинг тараққиёти келажагимиз эгалари бўлган ёшларга, уларнинг дунёқарашига, оиласи мухитнинг соғломлигига, мустаҳкамлигига узвий боғлиқдир. Маълумки, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш дунёдаги мавжуд барча миллат ва халқларнинг азалий орзусидир.

Ватан - бу ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга етган, неча-неча авлод аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати сарф қилинган заминидир. Ватан – бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминидир.

Жамият ривожлангани сари катта аҳамият касб этадиган маънавий қадриятлардан бири - ватанпарварлик туйғусидир. Ватанпарварлик – Ватанининг

озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик бу - юртимиизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, ўз куч имкониятимизга, ота-оналаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарига суюниш, қадриятларни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини ҳар томонлама тушуниб етиш демакдир. Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради.

Инсон бутун умри давомида ранг-баранг ғоялар, орзу-умидлар, интилишлар, манфаатлар оғушида яшайди. Унинг фикри-ёдида доимо эзгулик, яхши ният, ширин орзулар бўлади. Болалик ҷоғларида бўладими, ёки ўспиринлик йилларидами, - ҳамиша нималарнидир ўйлайди, нималарнидир истайди, нималаргадир интилади, ҳавас қиласи, етишмоқни ҳоҳлайди.

Ҳар бир одам табиатан ўйчан, интилувчан, таъсирчан яралган. У бир зум ҳам ўйламай, фикрламай тура олмайди. Шу ўй, шу фикр уни қаерларгадир етаклайди, нималаргадир ундейди.

Бу – ҳаёт тақозоси. Баландпарвоз ибора билан айтганда, ҳаёт фалсафаси.

Одамлар ўзларини куну тун чулғаб олган хилма-хил фикрларга бўлган муносабатлари билан бир – бирларидан кескин ажралиб турадилар.

Одамлар борки, миясига келган ҳар қандай фикрга жиддий эътибор беравермайди, балки кор-холига қўймаётган фикрлардан қайсиидир ўзига маъқули, фойдалисини чертиб – чертиб танлаб олади-да, шу ягона, ўз нияти, мақсадига мос фикр билан иш тутади. Фикр эгаси, соҳиби сифатида харакат қиласи.

Одамлар борки, ҳаёлига келган ҳар қандай фикрга аҳамият бериб, шу фикр орқасидан эргашади. Бу эзгулик унинг учун фойдалими, йўқми, бу билан иши йўқ. Фикр ёқдими, бас. Чиройли фикрнинг кули бўлиб, ўзини ҳар ёққа уриб, туртилиб, сурилиб яшайди. Пешонаси тақ этиб урилганидан кейингина, кўзи очилиб, эҳ аттанг деб афсусланади.

Одамлар борки, бир фикрни маҳкам ушлаб олиб, ундан ҳар қандай шароитда ҳам воз кечмайдилар, ҳеч кимга қулоқ солмайдилар, ҳеч кимнинг "оқилона" маслаҳатига кўнмай, билганларини қиласерадилар.

Ҳар ким ҳар қайси фикрни ўз ақл тарозиси билан ўлчайди, ўзича талқин этади. Етти ўлчаб, бир кесишга одатланган одам, адашмайди, қоқилмайди.

Ўзбекистон демографик хусусиятига кўра ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳар қандай мамлакат истиқболи учун ўта долзарб ҳисобланади. Ёшларнинг маънавий камолоти жуда кенг тушунча бўлиб, бу тушунча заминида соғлом дунёқарашга эга бўлган соғлом авлодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, тарбиянинг бош мақсади жамиятда онгли

ҳаёт кечириш, юксак маданий-интеллектуал ҳамда фаровон мухитни таркиб топтиришга мўлжаллангандир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқароларимизда, хусусан ёшларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда, уларнинг иймон- эътиқодини мустаҳкамлашда буюк аждодларимизнинг иймон ва эътиқод бутунлиги учун олиб борган қатъий ҳаракатлари ва амалий фаолиятлари ҳамда тажрибалари фойдаланиш яхши самара беради.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Истроилов, М. И., & Истроилова, С. М. (2022). ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЙЎЛИДА. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 82-87.
2. Ismoilovich, I. M. (2022). NAQSHBANDIYA TA'LIMOTINING TARBIYAVIY AHAMIYATI. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 88-91.
3. Арипов, З., & Сайдумарова, М. (2021). Zamonaviy o'qitish metodlari orqali iqtidorli o'quvchilarni tarbiylash va rivojlantirish. Общество и инновации, 2(12/S), 86-92.
4. Арипов, З. Т. (2020). ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНО-РЕЧЕВОЙ ГОТОВНОСТИ СТАРШИХ ДОШКОЛЬНИКОВ К ОБУЧЕНИЮ. In ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 108-112).
5. Toirjonovich, A. Z. (2022). XALQ O'YINLARINING ETNOPEDAGOGIK TASNIFI. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 77-81.
6. Toirjonovich, A. Z. (2022). BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 92-96.
7. SultonaliMannopov, A., AbdusalomSoliev, U., & TokhirShokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 6845-6853.
8. Jabborova, M. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF SOCIETY. Экономика и социум, (6-1), 129-132.
9. Jabborova, M. (2022). BO'LAJAK PEDAGOGLARNI TAYYORLASH TIZIMIDA MALAKAVIY AMALIYOTNING ROLI. Scientific progress, 3(4), 167-173.
10. Kodiraliyevna, J. M. (2022). TARBIYACHI KASBINING MA'NAVIY AXLOQIY NEGIZLARI. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 64-70.

11. Zhabborova, M. R. K. (2021). Мактабгача таълим соҳаси талабаларида бошқарувчанлик қобилияtlарини ривожлантириш. Молодой ученый, (17), 394-395.
12. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.
13. Ismoilovich, I. M. (2021, July). ISSUES OF TRANSFORMATION OF EDUCATIONAL EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES. In Euro-Asia Conferences (pp. 227-239).
14. Nabijonova, F. (2022). Boshlangich sinflarda didaktik oyinlarning ahamiyati: Nabijonova Feruza. Qo'qon universitetining ilmiy materiallar bazasi, 1(000006).
15. Isroilov, M. (2022). The system of education and its interaction with the concept of spirituality. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(1), 88-93.